



✦(اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِرَحْمَتِكَ الْعَظِيمَةِ ) .

1 - Аллоҳнинг тақдири. У нимани хоҳлади, қилди.

Кучли мўъмин (иродали, катъиятли, матонатли охират ишларида муҳаббатли-ғайратли мўъмин) Аллоҳга (мазкур сифатларда) кучсиз мўъминга нисбатан суюклироқ ва яхшироқдир. Ҳар иккисида ҳам (иймон келтирганлари сабабли) хайр-яхшилик бор. Ўзингга наф берадиган нарсаларга (Аллоҳнинг тоатиغا, Унинг ҳузуридаги нарсага интилишга) ҳарис бўл. Аллоҳдан мадад тила, заифлашма. (Унинг талабидан бўшашма, ялқовлик қилма). Мабодо сенга бирон нарса етадиган бўлса, «Агар бунақа қилганимда унақа бўларди», деб айтма. Сен «Аллоҳнинг тақдири. У нимани хоҳлади, қилди», деб айт. Албатта «агар» калимаси шайтон амалини очиб-бошлаб берувчи бўлади. (Муслим ривояти).